



Р. Х. АЮПОВ, Г.Р. БОЛТАБОЕВА

**Интернетдаги иқтисодий фирибгарликлардан
химояланиш усуллари**

Тошкент - 2014 йил

*Р.Х. Аюпов, Г.Р. Болтабоева. Интернетдаги иқтисодий
фирибгарликлардан химояланиш усуллари. – Тошкент, ТМИ, 110 бет. - 2014
йил.*

АННОТАЦИЯ

Ноқонуний даромадлар олишга бўлган хатти-ҳаракатлар мажмуи кўпинча яна ҳам чиройли, бой ва тўқис яшаш учун бўлган табиий инсоний интилиш инстинктини осонлик билан қондиришга бўлган табиий интилиш сабабли пайдо бўлади ва ривожланади. Айниқса мўмайгина даромадга қаттиқ ва сурункали оғир меҳнатсиз тезкорлик билан эришиш мумкин бўлса, бунинг ишқибозлари яна ҳам кўпаяди. Худди шу объектив ва субъектив сабаблар оқибатида турли туман фирибгарлик усуллари пайдо бўлади ва ривожланади. Бундай фирибгарликлардан химояланиш эса уларнинг қандай амалга оширилишини тушуниш ва шунга асосан тегишли эҳтиёт чораларни кўришни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам ушбу китобни ёзишдан асосий мақсад - кўпчиликни антиқа фирибгарлик усулларига ўргатиш эмас, балки уларнинг туб моҳиятини яхши билиш ҳамда тушуниш орқали турли хил фирибгарлардан самарали химояланишни таъминлашдир.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
1. Ноқонуний маблағларни қонунийлаштиришнинг замонавий усуллари	5
2. Интернетдаги иқтисодий фирибгарликлар хақида тушунча	21
<i>Интернет тармогидаги фирибгарликларнинг турлари</i>	26
<i>Интернет магазинлар билан боғлиқ фирибгарликлар</i>	27
<i>Ижтимоий тармоқлардаги фирибгарлар хақида</i>	34
<i>Банк кредитлари билан боғлиқ фирибгарликлар</i>	35
<i>Валюта алмашиниши буйича фирибгарликлар</i>	36
<i>Уйда ишлаш таклифи билан боғлиқ фирибгарликлар</i>	38
<i>ФОРЕКС тизимида ишлашдаги фирибгарликлар</i>	39
<i>Текин мобил алоқа фирибгарлиги</i>	40
<i>Интернетда товарлар сотиб олишдаги фирибгарликлар</i>	41
3. SMS фирибгарлик усуллари	42
4. Интернетдаги фирибгарликлардан химояланиш усуллари	50
5. Интернетда хавфсиз ишлашни таъминловчи тавсиялар	54
6. Пластик карталар билан боғлиқ фирибгарликлар	55
7. Корхона томонидан корхонага фириб бериш	64
8. Банклардаги фирибгарлик операциялари	83
9. Қимматли қоғозлар операциялари билан боғлиқ фирибгарликлар	91
10. Бухгалтерия ҳисоби юритиш билан боғлиқ фирибгарликлар	93
11. Фирибга учраганингизда амалдорлар билан муомала қилиш қоидалари	99
<i>Фойдаланилган адабиётлар руйхати</i>	110

СЎЗ БОШИ

Хаётда бирор марта ҳам фирибгарларга дуч келганмисиз? Улар Сизни қандай қилиб алдаб кетишган? Биз ва Сиз шуни жуда яхши биламизки, фирибгарликнинг энг кўп тарқалган халқчил усуллари – турли кўриниш ва миллатга мансуб фолбинлар, фокусчилар, “экстрасенс”лар, лўлилар томонидан амалга оширилади ҳамда уларни кўпчилик жуда яхши танийди ва билади. Яна бошқа бир фирибгарлик турлари қиморбоз ва гапдон “аферист”лар ҳамда Интернет фирибгарлари томонидан амалга оширилади. Сизга бирор-бир ишингизни битириб беришга ваъда бериб (*катта амалдорлар билан гаплашиб ишингизни битказиб бераман, ёғли ишга*

жойлаштириб кўяман, чет элдан катта мабдағ юбораман, фарзандингизни институтга киргизиб кўяман, чет элга жўнатишига ва у ерда ишга жойлашишига ёрдам бераман, деб кўпчиликни катта маблағга тушириб кетаётганлар hozирда жуда ҳам кам эмас), фириб берадиганлар ҳам халқ орасида бисёр. Лекин ушбу кўлланмада гап асосан иқтисодий йўналишдаги фирибгарлик турлари, имкониятлари ва усуллари хақидагина боради.

Бу китобни ёзишдан асосий мақсад - кўпчиликни бу фирибгарлик усулларига ўргатиш эмас, балки уларнинг туб моҳиятини яхши билиш ҳамда тушуниш орқали турли хил фирибгарлардан химояланишидир.

Хозирги пайтда баъзи бир хамюртларимиз кўпчилик тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлиги пастлигидан фойдаланиб, давлатни, халқни ва хамкорларни алдаш ҳамда уларга фириб бериш билан шуғулланиб келаётганлари ҳеч кимга сир эмас. Душманга қарши курашиш учун аввало унинг сирларини яхши билиш ва тушуниш талаб қилинади. Бу китобча (*ёки маълумотнома*) орқали ҳам ҳар бир инсон ушбу йўналишда ўз саводхонлигини бирмунча ошириши мумкин. Бу эса унинг турли хил фирибгар, каллоб ва муттаҳамларга қарши курашиш иммунитетини анча оширади. Лекин албатта, бу китобчадаги маълумотларни ақл-фаросат билан ва тўғри йўналишда ишлатиш маслаҳат берилади. Акс холда уларни билмаслик ва нотўғри тушуниш ҳар қандай ақлли одамни ҳам турли хил фирибгарларнинг тўрига тушиб, анча-мунча азият чекишига сабаб бўлиши мумкин. Шуниси қизиққи, сизга фириб бергунга қадар фирибгарларни жуда яхши, маънили ва ақлли инсонлар экан деб юраверасиз, чунки улар сизнинг хамкасбингиз, танишингиз, қариндошингиз, дўстингизнинг яқин дўсти, кўпчилик орасида обрули бўлган одам, олим, амалдор, тадбиркор, молия ходими, банк ходими ёки бошқалар бўлишлари мумкин. Уларнинг барчасидан химояланиш учун ҳам сиз бу китобчадаги маълумотлардан яхши бохабар бўлишингиз ақлга ва мақсадга мувофиқдир. Акс холда дабдурустдан жуда ҳам ноқулай ахволга тушиб қолиб, бор-йўғингиздан ажраб, оила ва жамоа олдида шармандаи-шармисор бўлиб қолишингиз мумкин. Бу

усулларнинг моҳиятига яна ҳам яхшироқ тушуниб олиш ва уларнинг Ўзбекистондаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумотлар олиш учун бирор бир иқтисодий йўналишда ишловчи ҳуқуқшунос билан бафуржа маслаҳатлашиб олсангиз, жуда ҳам фойдали бўлар эди. Чунки бу ҳолда фирибгарларнинг сизни турли-туман усуллар орқали доғда қолдиришга бўлган барча уринишлари беҳуда кетган бўлар эди. Агар сизнинг амалий иш жараёнинида шуларга ўхшаш, ачинарли, қулгили, қизиқ ва бундан ҳам мураккаброқ бўлган фирибгарлик усуллари учраган бўлса, албатта бу ҳақда бизга электрон почта манзили орқали ёзиб юборинг, токи биз бундай ҳолларни яхшилаб ўрганиб ва мағзини чақиб, уларни ушбу китобчанинг кейинги, тузатилган ҳамда тўлдирилган вариантларини яратишимизда фойдалана олайлик. Китобчада ёритилган фирибгарлик усуллари ҳақидаги фикр, мулоҳаза ва таклифларингизни ҳам худди шу электрон манзил орқали бизга юборасиз деб умид қиламиз. Турли хил соҳалардаги турфа фирибгарлик қурбонлари ҳам ўз бошларига тушган ишларни бизга батафсил равишда билдирсалар, келажакда бошқаларни фирибгарлардан химоя қилишдай эзгу ва савобли ишга ўзларининг баҳоли-қудрат хиссаларини қўшган ҳамда бу билан қатта савобнинг тагида қолган бўлур эдилар.

1. Ноқонуний маблағларни қонунийлаштиришнинг замонавий усуллари

Ноқонуний даромадлар олишга бўлган хатти-ҳаракатлар мажмуи кўпинча яна ҳам чиройли, бой ва тўқис яшаш учун интилиш инстинктини осонлик билан қондиришга бўлган табиий интилиш сабабли пайдо бўлади ва ривожланади. Айниқса мўмайгина даромадга қаттиқ ва сурункали оғир меҳнатсиз тезлик билан эришиш мумкин бўлса, бунинг ишқибозлари яна ҳам кўпаяди. Аксарият ҳолларда ноқонуний даромадлар олишга имконият қонунчиликнинг унчалик мукаммал эмаслиги, хўжалик фаолияти ва алоқалари муфассал ҳужжатлар ҳамда қоидалар орқали амалга оширилмаслиги, кимларнингдир билиб-билмай бундай даромадлар олишга йўл очиб бериши туфайли пайдо бўлади ва баъзи ҳолларда мислсиз равишда

ривожланади. Ноқонуний маблағларни турли усуллар воситасида топиш ва уларни ҳеч қандай чегара билмасдан ўзлаштириш шунга олиб келадики, жамиятда порахўрлик, таъмагирлик, фирибгарлик холлари ҳаддан ташқари кўпаяди ва охир-оқибат бу салбий иллатлар жамиятда ностабил ҳолатни юзага келтиради. Улар бамисоли жамият тагига қўйилган аста-сакин портлайдиган мина сифатида бўлиб, аҳоли, жамият ва давлатда парокандаликни юзага келтиради. Шунинг учун ҳам бундай ҳолатларнинг юзага келиш механизмини яхшилаб ўрганиш ва таҳлил қилиш жамиятни соғломлаштиришнинг энг керакли амалларидан биридир десак, асло янглишмаган бўлар эдик.

Ҳар қандай жамиятда ҳам аҳолининг бир қисми ноқонуний даромад олишга интилади ва ушбу маблағларни иложи борида қонунийлаштиришга интилади. Бунда бир неча хил усул ва қоидалар ишлатиладики, уларнинг қандай амалга оширилишини кўриб чиқиш ва ўрганиш яширин иқтисодиётнинг ҳосил бўлиши ҳамда ривожланишининг ўзига ҳос хусусиятларини тушунишга ёрдам беради. Ноқонуний йўл билан топилган пул ва даромадларни қонунийлаштириш ёки легаллаштириш атамаси (*инглизчада «money laundering» ёки русчада «отмывание денег»*) ўтган асрнинг 80-йилларида Америка Қўшма Штатларида ишлатилган бўлиб, у наркотик моддалар бизнеси билан боғлиқ равишда ишлатилган ва кейинчалик ушбу атама ноқонуний равишда топилган пул маблағларининг қонуний даромадга айлантирилиш жараёнини ўз ичига олган. Бунда албатта қуйидаги савол туғилади - *Жамиятдаги қандай асосий кўрсаткичлар пул ва даромадларни ноқонуний равишда юзага келтиради ва уларни қонунийлаштиришга эҳтиёж ҳосил бўлади?* Ушбу саволга жавоб бериш, бу масалани чуқур танқидий ўрганиш ва илмий равишда ҳар томонлама фикрлаш ҳамда бу билан узвий боғлиқ бўлган масала ҳамда муаммоларни чуқур таҳлил қилиш уларнинг олдини олишга ёрдам беради ва бу жамиятни янада соғломлаштириш йўлида қилиниши лозим бўлган ишлар мажмуини кўрсатиб беради. Юқоридаги саволга жавоб бериш мақсадида умумиқтисодий

нуқтаи-назардан ва жамиятда ҳозирда руй бераётган бир қанча жараёнлардан келиб чиққан ҳолда, қуйида бир қанча сабаблар ва кўрсаткичлар келтириладики, уларни мулоҳаза қилиб фикрлаш, бизнинг ҳолисона фикримизча, ноқонуний операцияларга қарши самарадор курашиш имкониятини яратади. Энг аввало, бунинг асосий сабаби сифатида аҳолининг ва тадбиркорларнинг ҳеч қаерда қайд этилмаган даромадлари давлат умумий улушида анча катта миқдорни ташкил этишини кўрсатиш мумкин. Бошқа сўзлар билан айтганда, бу жараён параллел иқтисодийнинг мавжудлиги ва “яширин (*қора*) бозор” фаолияти билан юзага келади дейиш мумкин. Ноқонуний равишда топилган пул ва даромадларни легаллаштириш жараёни молиявий муассасалар фаолияти устидан назорат қилиш, баҳолаш ва мониторингнинг унчалик мукамал эмаслиги туфайли, ҳалқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган молиявий фаолиятни бошқариш ҳалқаро стандартларига тўлиқ риоя қилмаслик оқибатида юзага келади. Албатта, давлат бошқаруви, олий ўқув юртлиги ва бошқа таълим муассасаларида, айрим соҳаларда – ишлаб чиқаришда, савдода, ташқи иқтисодий фаолиятда ёки хизмат кўрсатишда монопол мавқеъга эга бўлган айрим жинояткор гуруҳ ёки шахсларнинг (*жинояткор ёки мансабдор*) пайдо бўлиши, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва суд-прокуратура органларида порахўрлик иллатининг юзага келиши ва унинг кенг миқёсда тарқалиши ҳам нолегал пулларнинг миқёси кўпайишига олиб келади. Абитуриентларнинг кейинчалик яхши мансабларга эришиш, малакасини ошириш ва келажакда ёғлироқ ишларга жойлашиш мақсадида Олий ва ўрта таълим ўқув муассасаларига кириб, уларда билим олишга (*ёки тўғривоғи дипломга эгаси бўлишга*) интилиши ҳам кўпчилик учун жуда ҳам катта миқдордаги нолегал маблағлар топишнинг синовдан ўтган усули бўлиб хизмат қилади (*талаб ва таклиф қонунини эсланг*). Агарда чет эл ҳуқуқ тартиботни сақлаш органлари билан бу борадаги маълумотлар алмашилиши жараёнига путур етган бўлса ёки у умуман амалга ошмаётган бўлса, у ҳолда турли хил кўринишдаги нолегал даромад олувчилар учун яхши шароит яратиб берилган бўлади. Молиявий ва номолиявий ташкилотлар

ташкил қилинишининг, уларнинг филиаллари (*шоҳобчалари*) очилишининг номувофиқ бўлган қонун-қоидалари, компания эгалари кимлигини аниқ билмасдан туриб, уларнинг молиявий фаолиятини лицензиялаш ҳам ноқонуний равишда топилган пул ва даромадларни легаллаштириш жараёнига ўз таъсирини кўрсатади. Агарда давлатдаги молиявий операцияларнинг амалга оширилишини жамоатга ва оммавий ахборот воситаларига билдирилмаслигини қонуний равишда кўрсатиб қўйилган бўлса (*ёки улар атайлаб кўрсатилмаса*), ноқонуний молиявий операцияларга катта йўл очиб қўйилган бўлади. Нақд пул маблағлари ва валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш жараёнларида қилинган хатолар, банклар ва ташкилотларнинг оффшор компаниялари билан кенг миқёсда ишлаши ҳам ноқонуний молиявий операцияларнинг миқёси кенгайишига олиб келиб, нолегал даромадларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Аноним ҳисоб рақамлари ва “кўрсатувчи учун” (*на предъявителя*) туридаги тўловлар қилиш мумкин бўлган молиявий ускуналар ҳам (*буларга акция ва облигацияларни ҳам киритиш мумкин*) нолегал маблағлар ҳосил бўлишини ва айланувини янада оширади. Агарда молиявий муассасаларга олтин қуймалари, қимматбаҳо тошлар ва металллар билан савдо жараёнига бевосита киришига имкон берилса, ноқонуний равишда топилган пул ва даромадларни легаллаштириш жараёни мисли кўрилмаган равишда ривожланиб кетади.

Биз юқорида нолегал равишда орттирилган пулларнинг ҳосил бўлиш жараёнини кўриб чиқдик, энди эса нолегал пулларни қандай қилиб қонуний маблағларга айлантирилиш усулларини ҳам имконият даражасида кўриб чиқамиз. Бунинг энг оддий ва текширилган усули нақд пулларни (*албатта конвертация қилинадиган*) курьерлар ёрдамида четга чиқариш ёки уларни четга чиқаётган товарлар ичига яширишдир. Бу ишни трансферт операциялари ёрдамида амалга ошириш эса, пулларнинг чегарани кесиб ўтмаслигини таъминлашди. Яъни, бир давлатдаги “А” инсон керакли пул миқдорини шу давлатнинг ўзидаги “Б” давлатнинг бирор бир компаниясига ёки гражданига беради, у эса ўз навбатида ўша миқдордаги пул маблағини

“А” инсоннинг “Б” давлатдаги вакилига топширади ёки ўша олинган пулга тенг бўлган товарни “А” инсон фирмасига ёки унинг ўзига юборади. Натижада барча ишлар қонуний равишда амалга оширилиб, катта миқдордаги ноқонуний маблағ қонунийга айланади-қолади. Кейинги усулни эса аниқлаш анчагина осон, унда миқдорнинг бизнесдаги имкониятларидан анча кўп бўлган пул маблағлари унинг ҳисоб рақамидан даврий равишда ўтиб туради. Бу эса унинг номувофик молиявий операциялар билан шуғулланаётганидан дарак беради. Ҳисоб рақамига кун давомида турли хил шахслар томонидан кўп марталаб пул маблағлари келиб тушиши, учинчи шахслар фойдасига катта миқдордаги пул кўчириш операцияларини амалга ошириш, ҳеч қандай сабабларсиз турли хил бошланғич ҳисоб рақамлари очишни талаб қилиш, ўзи ҳақида тўғрилигини текшириб бўлмайдиган маълумотлар бериш, нақд пул кўринишида катта миқдордаги пул маблағларини ҳисоб рақамига қўйиш кабилар ҳам ушбу шахснинг нолегал капитални легаллаштириш операциялари билан шуғулланаётганидан яққол далолат бўлиши мумкин. Агарда бирор бир физик ёки юридик шахс томонидан чет эл фирмалари билан информатсион-сўров (*ёки консалтинг*) кўринишидаги контрактлар тузилган бўлса ёки мавжуд бўлмаган товар ва хизматлар учун фиктив ижара шартномалари тузилган бўлса, ҳисоб рақами очилган вақтдагина банкка келиб, кейинчалик маблағларни бошқариш учун бошқа бир кимсани тайинлаш ва иложи бориша банк операционистлари билан учрашувлардан бўйин товлаш ҳам кўпгина ҳолларда ноқонуний маблағларни легаллаштириш мақсадида амалга оширилган бўлиши мумкин. Қимматли қоғозларни сотиб олиш ва кейинчалик уларни бошқа банкларга ўтказиш, пулларнинг келиб чиқишини (*чет эл банкларидаги ҳисоб рақамларини, инвестицион компаниялардаги маблағларни, фиктив компаниялар ташкил қилинишини, қимматли қоғозларни, антиквариантни, чет эллардан кўчмас мулклар сотиб олишни ва бошқаларни*) яширишга уриниш, пул маблағларини майдаланган ҳолда ясама шахслар ҳисоб рақамларига ўтказиш каби молиявий операцияларни амалга ошириш ноқонуний йўл билан топилган пул ва

даромадларни легаллаштириш амалга оширилаётганига ўзига хос ишора бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Даромадларни легаллаштиришнинг амалга оширилаётганини англатиб берувчи асосий кўрсаткичларга қуйидагиларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин:

- Пул билан манипуляция қиладиган фирмалар (*«обналичка» қиладиган фирмалар*) ёрдамида катта пул маблағларини банклардан олиш ёки уларни чет элларга кўчириш. Бунда аксарият холларда нақд пулни ўзлаштиришни мақсад қилган юридик ёки жисмоний шахс бирор бир фиктив ишни бажариш учун катта миқдордаги маблағ эвазига «обналичка» фирмалари билан шартнома тузади ва натижада икки томон учун ҳам нихоятда фойдали молиявий операция амалга оширилади. Бунда кўпинча бунда бирор бир банкнинг ўрта ёки юқори бўғиндаги раҳбар ходимлари ҳам иштирок этадилар;
- Жисмоний ёки юридик шахснинг бир йиллик (*ва жорий*) сарф-харажатлари унинг даромадларидан кескин фарқ қилиши кўпинча унинг нолегал даромад олиш манбаълари борлигини англатади – бу эса хар-бир мансабдор шахснинг (*айниқса амалдорларнинг*) кирим ва чиқимларини хар йили муттасил равишда солиқ инспекциясига тақдим этишини тақозо қилади;
- Чет элларда кенг миқёсдаги филиаллари ва банк ҳисоб рақамлари мавжуд бўлган ёлғондакам компаниялар ва «бир кунлик» фирмалар ташкил қилиш;
- Бизнес операциялари учун эмас, балки криминал маблағларнинг вақтинчалик сақланиши учун мўлжалланилган индивидуал ёки корпоратив ҳисоб рақамларининг мавжудлиги;
- Нақд пул маблағларини конвертация қилиш учун ишлатиладиган жуда кўп валюта алмаштириш шохобчаларининг мавжудлиги;



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/4811> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4811> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4811>